

УДК: 616-08-039.74

## ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ СОҲАСИДА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД

Н.И. ХОДЖАЕВ, С.Б. ИСРОИЛОВА, А.Б. БАЗАРОВ, Б.С. АБДУЛЛАЕВ

Самарқанд давлат медицина институти, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд

## О РЕАЛИЗАЦИИ НОВЫХ РЕФОРМ В ОБЛАСТИ НЕОТЛОЖНОЙ МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ

Н.И. ХОДЖАЕВ, С.Б. ИСРОИЛОВА, А.Б. БАЗАРОВ, Б.С. АБДУЛЛАЕВ

Самарканский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Самарканд

## ON THE IMPLEMENTATION OF NEW REFORMS IN THE FIELD OF EMERGENCY MEDICAL CARE

N.I. KHODJAEV, S.B. ISROILOVA, A.B. BAZAROV, B.S. ABDULLAYEV

Samarkand State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Samarkand

Ўзбекистонда, шу жумладан, Самарқанд вилоятида Республика Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги 2107-сонли Фармони асосида Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази, унинг худудий филиаллари, шунингдек, марказий туман ва шаҳар касалхоналари ҳузуридаги шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари, шу жумладан, тез тиббий ёрдам ва санитария авиацияси хизмати ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда. Шошилинч тиббий ёрдам тизими муассасаларини юқори технологик тиббиёт ускуналари ва ихтисослаштирилган автотранспорт билан жиҳозлаш бўйича косплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарадорлиги ҳали замонавий талабларга жавоб бермаслиги, тез тиббий ёрдам хизматининг малакали кадрлар, дори-дармон воситалари, тиббиёт ускуналари, ихтисослаштирилган автотранспорт ва алока воситалари билан таъминланганлиги даражаси етарли эмаслигича қолмоқда. Кечикириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни бошқариш, мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг замонавий механизmlарини, шунингдек, шошилинч тиббиёт соҳасида илмий-амалий изланишларнинг натижасини жорий этишда муайян долзарб муаммолар мавжуд бўлиб турипти. Республика Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаб айтганидек, бугунги кунда мамлакатимиз ахолисига ҳалқаро андозаларга жавоб берувчи сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, хусусан, шошилинч ва кечикириб бўлмайдиган бепул тез тиббий ёрдам тизими малакасини ошириш, шунингдек, соҳа фаолиятини такомиллаштириш масаласи жамият тараққиётининг устувор вазифаларидан бири бўлиб турипти.

**Таҳлил мақсади.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид Фармон ва Қарорлари асосида шошилинч ва тез тиббий ёрдам соҳасида амалга оширилаётган

ишларнинг натижаларини таҳлил килиш ва соғлиқни сақлаш тизими ислоҳатлари куламининг истиқболларига назар ташлашдан иборатdir.

**Материаллар ва усуллар.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид Фармон ва Қарорлари ҳамда вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси материаллари асосида ретроспектив ва статистик таҳлил ўтказилди.

Шошилинч тиббий ёрдамнинг тезкорлигини, замонавийлиги ва самарадорлигини тубдан кучайтиришга, ахолига ўз вақтида малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича даволаш, илмий-методик ва таълим ишлари комплексини юқори даражада ташкил этишга йўналтирилган, ахолига шошилинч тиббий ёрдам бериш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 марта даги “Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон қабул килинди.

Ушбу Фармондан келиб чиқиб, мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ килишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва малакали кадрлар билан бутланган шошилинч тиббий ёрдам беришнинг замонавий, юқори технологик ва самаркали тизимини шакллантириш, шошилинч тиббиёт соҳасида илмий, методологик ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, ушбу мақсадларда ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда тез тиббий ёрдамнинг Республика хизматлари фаолиятига илғор технологияларни ва иш услубларини жорий этиш, шошилинч тиббий ёрдам тизимида ахоли орасида ўлим ва ногиронликни пасайтиришга йўналтирилган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарини, диагностика воситалари ва усулларини, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ва кечикириб бўлмайдиган ҳолатларни даволашни кенгқўллаш, шошилинч тиббиёт соҳасида профилактика, диагностика ва даволаш усуллари ва техно-

логияларини кучайтириш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш асосида шошилинч тиббий ёрдам хизматларининг бошқа вазирликлар ва идораларнинг шошилинч хизматлари билан ўзаро тезкор ҳамкорлигининг самарали механизmlарини жорий этиш, шошилинч тиббий ёрдам соҳасида тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайти тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳанинг энг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Фармоннинг мазмун-моҳиятига кўра мамлакатимизда аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом ва етук авлодни вояга етказиши таъминлаш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Юртимиз тиббиёт муассасаларида энг илгор ва замонавий шарт-шароитлар яратиш ҳамда тиббий хизмат сифатини янада ошириш ушбу Фармонда кўрсатиб ўтилган. Бугунги кунда тез тиббий ёрдам тизими Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари қошидаги бўлимлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги тез тиббий ёрдам хизмати станциялари ва санитар авиация хизматини ўз ичига олади.

Ушбу соҳа ривожи йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида шошилинч тиббий ёрдам тизимида йилига 600 минг нафардан зиёд bemорга юқори малакали стационар ва 1 миллион нафардан ортиқ bemорга амбулатор ёрдам ҳамда 7 миллиондан зиёд чақириқлар бўйича хизмат кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда соҳада зудлик билан ҳал этишини талаб қиласидиган бир қатор муаммо ва масалалар ҳам борки, у аниқ чора-тадбирлар кўришни тақазо этмоқда.

Аввалинбор, шошилинч тиббиёт соҳасидаги меъёрий-хукукий хужжатларни такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, илмий изланишларни ривожлантириш, малакали кадрлар, дори воситалари, тиббий ускуналар, ихтисослаштирилган автотранспорт ва алоқа воситалари билан таъминланиш даражасини яхшилаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу эса тез тиббий ёрдам фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришининг амалдаги тизимини қайта кўриб чиқиш, шошилинч тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилашга доир тезкор чоралар кўриш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу мақсадда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мазкур тизимни такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари, тез тиббий ёрдам хизматининг

сифат ва самарадорлигини ошириш, шошилинч тиббий ёрдам соҳасидаги илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтириш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорликни чукурлаштиришга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Бугунги кунда шошилинч тиббий ёрдам тизимида замонавий илмий-техник ва ахборот технологиялари ютуқларини қўллаш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг вазирликлар ва идораларнинг шошилинч хизматлари билан тезкор ҳамкорлигини таъминлаш бўйича замонавий механизmlарни татбиқ қилиш, кадрлар тайёрлаш борасидаги илгор усусларни жорий этиш амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика шошилинч тиббий ёрдам марказига Республика шошилинч тиббий ёрдам Илмий маркази мақоми берилиши ҳамда Марказ вазифаларининг аниқ белгиланганлиги бу соҳадаги ислоҳатларни тубдан жонлантириб юборди. Хусусан, аҳолига ихтисослаштирилган малакали юқори технологияли тез ва кечикириб бўлмайдиган тиббий хизмат кўрсатиш бўйича жаҳон талабларига мос келадиган шошилинч тиббий ёрдам тизими фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш, кечикириб бўлмайдиган ҳолатларнинг профилактикаси, диагностикаси ва уларни даволаш бўйича янги, самарали технологияларни яратиш, жорий турдош ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш каби йўналишлар ушбу Марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланди. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги фан ва илмий тадқиқотлар ривожланишининг устивор йўналишларини шакллантириш, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш ва илгор технологияларни яратиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизими учун илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаб бориш Марказнинг асосий вазифалари сифатида аниқ йўналишга эга бўлди.

Президент Фармонига биноан ягона маълумотлар базаси ва маълумотларни узатиш тармоғини яратган ҳолда, тез тиббий ёрдам бригадаларининг фаолиятини тезкор бошқариш ва мувофиқлаштирилишини таъминловчи Марказ ва унинг ҳудудий филиалларининг диспетчерлик хизматлари фаолиятини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди. Тез тиббий ёрдам фаолиятида диспетчерлик хизматларини яхшилаш, унинг самарали ишланиши таъминлаш давр талаби эканлиги Фармонда алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Шошилинч хизмат фаолияти ушбу тизимда автотранспорт воситалари билан боғлиқ масалаларни тубдан ўзгартиришни талаб этмоқда.

Эндилиқда Марказнинг Тез тиббий ёрдам станцияларига автотранспорт хизматини кўрсатиш согликни сақлаш бошқармасининг ихтисослаштирилган автотранспорт корхонаси томонидан амалга оширилмоқда. Бу ҳолат автотранспорт воситаларининг хар доим соз ҳолатда бўлишини ва керакли манзилга ўз вақтида етиб боришини таъминлашга хизмат қилимокда. Президентимизнинг мазкур Фармонида кўзда тутилган имтиёзлар, соҳа учун ажратилаётган замонавий тиббий асбобускуналар ҳамда уларнинг ноёб технологик имкониятлари шошилинч тиббий марказ муассасалари олиб бораётган илмий изланишларнинг савиясини юксак даражада ошириш, шошилинч ҳолатларда диагностика ва даволашнинг янги истиқболли усулларини ишлаб чиқиш, ривожлантириш ва амалиётга татбиқ қилиш имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилган муҳим омил бўлиб, согликни сақлаш тизими ислоҳатларини янада жадаллаштирилмоқда. Бу борада амалга оширила бошлаган ишлар даволаш жараёнининг самарасини оширибина қолмай, шифохона шароитида даволаниш муддатларини ва унинг сарф-харажатларини кескин камайтиришга қаратилгандир. Ушбу Фармондан келиб чиқиб, Марказнинг туманлардаги филиалларини юксак мезонларга жавоб берадиган тиббий аппаратлар, хусусан, юрак ва қон-томирларнинг ультратовуш доплерографияси, замонавий ангиографик тизилмалар, мултиспирал компьютер томография ва магнит-резонанс томограф аппаратлари билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Фармон ҳамда у билан тасдиқланган ҳуқукий ҳужжатларда белгилаб қўйилганидек, шошилинч ва тез тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янги босқичга кўтариш, соҳада илмий-тадқиқот фаолияти кўламини кенгайтириш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни амалиётга жорий этиши тиббиёт ислоҳотининг ёрқин самараси учун дастуриламал бўлиб хизмат қиласи. Самарқанд вилоятида бугунги кунда 27 та тез ёрдам бригадалари мавжуд бўлиб 12 таси Самарқанд шахридаги оиласиий поликлиникаларда жойлашган. Уларнинг таркибida реанимацион, кардиологик ва психиатрик бригадалар ҳам хизмат кўрсатмоқда. Вилоятнинг туманларида тиббий ёрдам бўлимлари ва 54 та тиббий ёрдам шоҳобчаларида 158 та тез тиббий ёрдам бригадалари мавжуд бўлиб уларнинг ўртacha хизмат кўрсатиш радиуси 5-15 километрни ташкил қиласи. 2016 йилда 11 та замонавий жиҳозланган “Nissan” автомашиналари келтирилгач, филиалдаги жаъми автотранспортлар сони 148 тага етди. Уларнинг 30 таси GPS навигация тизими билан

жиҳозланган. Президент Фармонига кўра, 2 йил ичида яна 110 та янги “Nissan” автомашиналарини келтириш режалаштирилган. Бу эса ўз навбатида автотранспорт воситаларининг хар доим соз ҳолатда бўлишини ва керакли манзилга ўз вақтида етиб боришини таъминлашга хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 16 мартағи ПФ-4985-сон Фармонини ижро этишга қаратилган, шошилинч тиббий ёрдам тизими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш мақсадида Республика Президентининг 2017 йил 16 мартағи ПК-2838-сонли “Шошилинч тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашчора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳам қабул қилинди. Ушбу қарорга асосланиб 2017 йил 1 апрелдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлигининг марказий аппарати тизилмасида Ўзбекистон Республикаси соғликни сақлаш вазирининг ўринбосари лавозими – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг бош директори ҳамда соғликни сақлаш бошқармаси аппарати ҳудудий тизилмасида, бошқарма раҳбарининг ўринбосари – шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази филиалининг директори лавозими жорий этилиши шошилинч тиббий хизмат бошқарув тизимини тубдан яхшилашга йўналтирилган омил бўлди. Тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилди ва кўпчилик томонидан маъқулланди. Чора-тадбирлар дастури қўйидаги устувор вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган бўлиб, фуқароларнинг малакали тиббий хизмат кўрсатишга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқукий базани такомиллаштириш, тез тиббий ёрдамнинг сифатини ошириш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқукий шарт-шароитлар яратиш, тез тиббий ёрдамнинг тезкорлигини, сифати ва ундан фойдаланиш даражасини ошириш, ушбу соҳада хизмат кўрсатаётган кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда маҳаллий ва илғор хорижий илмий изланишлар натижаларини амалиётга жорий этиш, шошилинч тиббий тизимни ташкил этиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини яхшилаш, унинг амалиётига замонавий илмий-техник воситаларни ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишдан иборатdir. Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш ҳамда Ахборот технологиялари

ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари биргаликда мамлакатимиз худудида тез тиббий ёрдамнинг ягона диспетчерлик маркази (ЯДМ) ташкил этиш бўйича пилот лойиҳасини амалга оширишга киришдилар. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартағи “Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартағи “Шошилинч тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2838-сон қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Ушбу марказни ташкил этишдан асосий мақсад тиббий ёрдам кўрсатишдаги бирламчи ҳисоб маълумот ва жараёнлари асосида Ўзбекистон Республикасида тез ҳамда шошилинч тиббий ёрдам бошқарувидаги ишларни ахборот жиҳатдан самарали кўллаб-куватлашни таъминлашдан иборат. Ушбу ягона диспетчерлик маркази шошилинч тиббий ёрдам тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши сифатида тез тиббий ёрдамнинг кўчма бригадалари фаолиятини тезкорлик билан мувофиқлаштириш, шунингдек, Республика Ички ишлар, Фавқўлодда вазиятлар вазирликлари ва “Ўзтрансгаз” акциядорлик компаниясининг шошилинч хизматлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлайдиган маълумотлар ўзатишнинг ягона базаси ва тармоғини ташкил этган, мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматларини миллий геоминтақавий маълумотларга, шу жумладан, худудларнинг давлат кадастри ресурсларидан фойдаланган ҳолда шошилинч тиббий ёрдамни бошқаришнинг ахборот тизимини жорий этишга қаратилган улкан ишларни амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини саклаш, уларнинг тиббиётга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, муносабатини ўзгартириш, одамларни рози қилиш каби масалалар халқ манфаатларини ифода этиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилилмоқда. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, тиббиёт Давлат билан халқ ўртасидаги адолатли кўприк бўлиб, ислоҳотлар ушбу кўприкни мустаҳкамлашга йўналтирилган вазифалардир. Юртимизда соғлиқни саклаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, оналар ва болалар соғлиқни мустаҳкамлаш, уларни патронаж тизими билан қамраб олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, уларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, оила манфаатларини таъминлаш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилган умумдавлат чора-тадбирлари республикадаги ижтимоий-демографик вазиятни

сезиларли даражда яхшилаш имконини бериши муқаррардир.

**Хулоса.** 1. Мамлакатимизда шошилинч ва тез тиббий ёрдам илмий-амалий маркази барпо қилинишида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги “Соғлиқни саклаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги 2107-сонли Фармони дастлабки устивор омил бўлиб хизмат қилди. 2. Ушбу соҳага оид қатор Фармон ва Қарорлар, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг кўллаш асосида шошилинч тиббий ёрдам хизматларининг бошқа вазирликлар ва идораларнинг шошилинч хизматлари билан ўзаро тезкор ҳамкорлигининг самарали механизмларини жорий этишни тақозо этади ҳамда соғлиқни саклаш тизими ислоҳатларини амалга оширишга хизмат қиласди. 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартағи “Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра, 2 йил ичидан яна 110 та янги “Nissan” автомашиналарини келтириш режалаштирилганлиги ўз навбатида автотранспорт воситаларининг ҳар доим соз ҳолатда бўлишини ва керакли манзилга ўз вактида етиб боришини таъминлашга қаратилган улкан воситадир. 4. Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини саклаш, уларнинг тиббиётга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, муносабатини ўзгартириш, одамларни рози қилиш каби масалалар халқ манфаатларини ифода этиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилилмоқда. 5. Шошилинч тез ёрдам тизимини илгор ва ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ислоҳ қилиш мамлакатимизда халқ соғлиқни мустаҳкамлаш, инсонларнинг умрини узайтириш, соғлом ва навқирон турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган умумдавлат сиёсатининг асосий йўналиши бўлиб қолаверади.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги “Соғлиқни саклаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги 2107 – сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартағи “Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартағи “Шошилинч тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2838-сонли Қарори.
4. Самарқанд вилоят хокимлиги соғлиқни саклаш бошқармаси материаллари.